O‘ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHNING USTUVOR YO’NALSHLARI (MAKARON MAHSULOTI MISOLIDA)

Soatov Sanjar Sarvarovich,
Bojxona qo‘mitasining Bojxona instituti kafedra boshlig‘i
ORCID: 0009-0008-1920-1618,
e-mail: sanjarbek.89.ss@gmail.com

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда импорт, экспорт ва ишлаб чиқариш омиллари устувор аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, ижтимоий аҳамияти юқори бўлган макарон маҳсулотининг ташқи савдо кўрсаткичлари ва ички ишлаб чиқариш имкониятлари ўзаро қиёсий таҳлил қилинди. Шунингдек, ушбу илмий мақолада Ўзбекистоннинг макарон маҳсулотлари импортига боғлиқлик кўрсаткичлари, макарон маҳсулотларининг ички бозордаги нархи, божхона тўловлари ҳамда берилаётган имтиёзларнинг иқтисодий-ижтимоий самараси таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотдаги таҳлиллар натижаси умумлаштирилган ҳолда илмий асосланган хулоса ва таклифлар берилди.*

Kalit so‘zlar: *Экспорт, импорт, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номинклатураси (ТИФТН), импортга боғлиқлик коэффициенти, натрий глутамат, ставка, кускус, акциз солиғи.*

Аннотация: *В данной статье, исходя из значимости факторов импорта, экспорта и производства в обеспечении безопасности пищевых продуктов в Узбекистане, сопоставлены показатели внешней торговли и возможности внутреннего производства макаронных изделий высокой социальной значимости. Также в данной научной статье анализируются показатели зависимости Узбекистана от импорта макаронных изделий, цены макаронных изделий на внутреннем рынке, таможенных сборов, а также экономический и социальный эффект от предоставленных льгот. Результаты анализа в данном исследовании были обобщены и даны научно обоснованные выводы и предложения.*

Ключевые слова: *Экспорт, импорт, товарная номенклатура внешнеэкономической деятельности (ТНВЭД), коэффициент импортозависимости, глутамат натрия, ставка, кускус,*

Abstract: *In this article, based on the importance of import, export and production factors in ensuring food safety in Uzbekistan, the foreign trade indicators and domestic production possibilities of pasta products of high social importance were compared. Also, this scientific article analyzes the indicators of dependence on the import of pasta products, the price of pasta products in the domestic market, customs fees, and the economic and social effect of the given benefits. The results of the analyzes in this study were summarized and scientifically based conclusions and suggestions were given.*

Key words: *Export, import, Foreign Economic Activity Commodity Nomenclature(FEACN), import dependence coefficient, monosodium glutamate, rate, couscous.*

Kirish va tadqiqot mavzusining dolzarbligi. Давлатимиз Раҳбари ҳузурида 2022 йил 5 сентябрь куни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш ва захирасини яратиш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Ушбу, йиғилишда Президентимиз, ички бозорда 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти импортга боғлиқ бўлиб қолаётганлигини танқид қилинди ва ушбу ушбу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар тайёрлаш вазифаси қўйилди. Мазкур 25 турдаги озиқ-овқат таркибида макарон маҳсулотлари ҳам мавжудлигидан келиб чиқиб, қуйида макарон ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт кўрсаткичлари ҳамда макарон турлари ва бирлик нархларининг статистик кўрсаткичлари ўзаро илмий қиёсий таҳлил қилиш асосида мавжуд муаммолар аниқланди ва шу асосида илмий хулосалар берилди.

Tadqiqot metodologiyasi. Ушбу тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия**

вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ва Халқаро савдо маказининг расмий статистик маълумотлари ўзаро қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек тадқиқотда тизимли таҳлил ва омилли таҳлил методлари асосида илмий асосланган хулосалар берилган.

Макарон маҳсулотини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш имкониятлари таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий сайтидан олинган маълумотларига кўра, Ўзбекистонда **348 та** макарон ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритаётган бўлиб, 2022 йилда **69 минг тонна** макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилган[1].

Макарон ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганида деярли **60 фоизи** қуйидаги **3 та** ҳудуд ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, корхоналарнинг **24 фоизи** (*83 та*) Фарғона вилоятида, **22** фоизи *(78 та)* Тошкент ҳудудида ва **11** фоизи *(37 та*) Самарқанд вилоятида жойлашган *(1-диаграмма)*.



1-диаграмма. Ҳудудлар кесимида макарон ишлаб чиқарувчи корхоналар сони

Юқоридаги диаграммадан кўриш мумкинки, макарон ишлаб чиқарувчи корхоналар сони бўйича энг паст кўрсаткич Сирдарё *(2%)*, Қашқадарё *(2%)* ва Жиззах *(1%)* ҳиссасига тўғри келади.

Макарон маҳсулотининг экспорти таҳлили. Макарон экспорти 2023 йилда **4,5 минг тоннани** *(3,5 млн. долл.)* ташкил қилиб, 2022 йилга нисбатан 2,6 минг тоннага ёки **2,4 баробарга ошган** *(2022 й. 1,9 минг тн, 1,9 млн $)* бўлиб, жами **16 та** *(2022 й. 14 та)* давлатга экспорт қилинган. Экспортнинг **77 фоизи Афғонистон** *(3,1 минг тн) ва* **Тожикистон** *(0,4 тн)* давлатларига амалга оширилган [2].

Маълумот учун: 2022 йилда Ўзбекистон макарон экспорти бўйича давлатлар орасида 92 – ўринни эгаллага[3].



2-диаграмма. Ҳудудлар кесимида макарон экспорти (тоннада)

Ҳудудлар бўйича макарон экспорти таҳлил қилинганида, 2023 йилда жами экспорт миқдорининг **76 фоизи** *(3,4 минг тонна)* Тошкент ҳудудига тўғри келган *(2022 йилда жами экспорт миқдорининг 71 фоизи)*.

Макарон маҳсулотининг импорти таҳлили. Макарон импорти таҳлил қилинганида, 2023 йилда **18 минг тоннани** (27 млн. долл.) ташкил қилиб, 2022 йилга нисбатан **2,7 минг тоннага** ёки **18 %га** ошганлиги (2022 й. 15 минг тн, 25 млн долл.) маълум бўлди[2].

Маълумот учун: 2022 йил маълумотига кўра Ўзбекистон макарон импорти бўйича дунё мамлакатлари орасида 72 – ўринда туради[3].

Макарон жами **19 та** *(2022 й. 20 та)* давлатдан олиб кирилган бўлиб, импортнинг **92 фоизи Россия** *(8 минг тн)* ва **Қозоғистон** *(8,6 минг тн)* ҳиссасига тўғри келади.



3-диаграмма. Ҳудудлар кесимида макарон импорти (тоннада)

Ҳудудлар бўйича макарон импорти таҳлил қилинганида, 2023 йилда жами импортнинг **83 фоизи** *(15 минг тонна)* Тошкент ҳудудига тўғри келган *(3-диаграмма)*. **Маълумот учун:** 2022 йилда Тошкент ҳудудида макарон импорти 8,5 минг тоннани ташкил қилиб, Республика бўйича улуши 55 фоиз бўлган2.

Шунингдек, юқоридаги диаграммадан кўриш мумкинки 2023 йилда Сирдарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Наманган ҳудудларида умуман макарон маҳсулотлари импортга расмийлаштирилмаган.

Макарон маҳсулотининг таснифланиши ва ўзига хос хусусиятлари. Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номинклатурасига мувофиқ макароннинг таснифланиши унинг таркибида тухум борлиги, қаттиқ буғдой унидан тайёрланганлиги, уни қайта ишлаш орқали тез тайёр бўладиган лапша маҳсулотлари ҳамда гранула (кускус) шаклларига келтирилишига қараб белгиланади. Шунга кўра мазкур макарон турларининг импорти таҳлил қилинди *(1-жадвал)*.

1-жадвал

Макарон маҳсулотлари тури бўйича импортининг йиллар кесимида жадвали[2]

Товар коди	Макарон тури	2022		2023	
		Вазни (Тоннада)	Қиймати (минг долл.)	Вазни (Тоннада)	Қиймати (минг долл.)
190211	**Тухумли макарон**	301,8	441,4	196,6	305,2
190219	**Тухумсиз қаттиқ макарон**	4 472,9	4 695,4	7 597	6 150,4
190230	**Тез тайёрланадиган лапша**	10 569,3	19 885,8	10 263,5	20 899,5
190240	**Кускус**	0,9	2,9	3,6	8,1

Жами	**15 345,1**	**25 025,4**	**18 060,5**	**27 363,1**

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки, макарон маҳсулоти импорти таркибида энг юқори улушга эга бўлган турлари бу - тез тайёрланадиган лапша ва тухумсиз қаттиқ макарон ҳисобланади. Шунга кўра, қуйида ушбу макарон турлари бўйича ундирилган божхона тўловлари, қўлланилган имтиёзлар ва товарнинг бирлик нархлари таҳлил қилинди.

2022 ва 2023 йилларда тез тайёрланадиган лапша маҳсулоти импортининг қиймати деярли бир хил кўрсаткич, яъни **20 млн. АҚШ доллари** бўлса ҳам ундирилган божхона божи 2023 йилда **2,7 мартага** камайган. Бунинг асосий сабаби сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 мартдаги ПФ-41-сон Фармонига мувофиқ, ушбу товар импортида божхона божи ноль ставка қилиб белгиланганлиги билан изоҳланади *(2025 йилнинг 1 январига қадар)*.

Маълумот учун: 2023 йилда жами 70,4 млрд.сўм божхона тўловларидан имтиёзлар қўлланилган бўлиб, унинг 69 фоизи (48,7 млрд.сўм) тез тайёрланадиган лапша маҳсулотларига тўғри келади.

Бироқ, тез тайёр бўладиган лапша таркибида инсон танасида қуйидаги бир қатор бузилишларни келтириб чиқарадиган жуда хавфли натрий глутамат моддаси мавжуд:

- у танада суюқликни ушлаб туради, бунинг натижасида бўғинларда шишлар кузатилади
- юқори қон босими сақланиб қолади.
- аста-секин одамларни ўзига қарам қилиш хусусиятига эга;
- ошқозон яраси ва гастритни юзага келтиради.
- кучли аллергик реакцияга олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга, болалар, ҳомиладор аёллар, кексалар ва сурункали касалликлари бўлган одамлар учун тез тайёрланадиган лапша истеъмол қилиш тавсия этилмайди[4].

Шунга кўра, айрим хорижий давлатларда инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган маҳсулотларга, шу жумладан тез тайёрланадиган лапшага нисбатан божхона божи ва акциз солиғи белгиланган. Жумладан:

Буюк Британияда қаттиқ макарон маҳсулотлари учун аралаш ставкада божхона божи белгиланган бўлиб, бунда **7,7** фоиз **+24,6 €/100 кг**. Тез тайёрланадиган лапша маҳсулотларига эса ҳар **100** кг учун **54,3 €** божхона божи белгиланган.

Ҳиндистонда 2023 йилдан макарон маҳсулотлари учун **30 фоиз** божхона божи жорий қилинган[5];

Покистонда 2023-2024-йил учун макарон маҳсулотлари импортига **30 фоиз** божхона божи жорий қилинган[6];

Кенияда 2021 йилдан макарон маҳсулотлари учун **20 фоиз** акциз солиғи жорий қилинган[7].

Маълумот учун: Ўзбекистонда ҳам жорий йилнинг 1 апрелидан инсон соғлиғига зарарли бўлган **газли ва энергетик ичимликларга** акциз солиғи жорий этилади.

Шунингдек, макарон импорти таркибида тез тайёрланадиган лапша маҳсулотининг улуши юқорилигидан келиб чиқиб, ушбу товарга бўлган йиллик эҳтиёж ва импортга боғлиқлиги таҳлил қилинди.

2-жадвал

Ўзбекистоннинг тез тайёрланадиган лапша истеъмолига бўлган йиллик эҳтиёжи ва импортга боғлиқлиги (тоннада)

Кўрсаткичлар		**2022**
A	**Импорт**	10 569
B	**Экспорт**	1549
C	**Ички ишлаб чиқариш**	3223
D	**Йиллик эҳтиёж = A+C-B**	**12243**

Импортга боғлиқлик = A*100/D	**86%**

Юқоридаги кўриш мумкинки, Ўзбекистоннинг тез тайёрланадиган лапша истеъмолига бўлган йиллик эҳтиёжининг **86 фоизи** импорт ҳисобига қопланмоқда. Шунингдек, 2023 йил маълумотларига кўра тез тайёрланадиган лапша маҳсулоти импортининг 86 фоизи Қозоғистон *(7 минг тонна)* ва Россия *(2 минг тонна)* ҳиссасига тўғри келади.



Шу билан бирга, тез тайёрланадиган лапша маҳсулотлари учун берилган божхона имтиёзлар, ушбу товарнинг ички бозордаги нархининг пасайишига ижобий таъсир кўрсатмаган. Хусусан, “Rollton” маркали 90 гр лапша “Uzum” савдо платформасида **7000 сўмдан** ва Корзинка савдо дўконларида **8490 сўмдан** сотилмоқда[8]. Бироқ ушбу товарнинг импортдаги бирлик нархи ўрганилганда ўртача **3000 сўмдан** ва ҳар бир 90 граммлик қадоқ учун ўртача **360 сўм** божхона тўловлари ундирилган. Шунга кўра бир дона 90 граммлик қадоқдаги “Rollton” лапшасининг импортдаги тан нархи ўртача **3360 сўмни** ташкил этади. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, бугунги кунда мазкур товарнинг ички бозорда сотувчи томонидан белгиланган қиймат импорт тан нархидан деярли **2-3 баробар** қимматга сотилмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган, макарон маҳсулотларининг чуқур ва тизимли таҳлили натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, мазкур таҳлилий маълумотномада келтирилган барча диаграммалардан кўриш мумкинки, 2023 йилда Сирдарё, Жиззах, ва Қашқадарё ҳудудларида макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши, экспорти ва импорти жуда ҳам паст кўрсаткичда бўлиб, бу эса мазкур ҳудудларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Иккинчидан, макарон ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг сони бўйича Фарғона вилояти энг кўп улушга (83 та) эга бўлишига қарамасдан, ушбу ҳудуддаги макарон ишлаб чиқарувчилар томонидан деярли экспорт амалга оширилмаган. Бу эса, ўз навбатида мазкур ҳудуднинг макарон экспорти салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари мавжудлигидан далолат бермоқда.

Учинчидан, макарон экспорти ва импорти фақатгина 2 та мамлакатга боғланиб қолган. Шунга кўра, макарон ташқи савдосида мамлакатларни диверсификация қилиш мақсадга мувофиқ. Бу Ўзбекистон учун янги бозор ва қулай рақобат муҳитини яратади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 мартдаги ПФ-41-сон Фармони билан тасдиқланган “2025 йил 1 январга қадар товарларни олиб киришда божхона божининг ноль ставка белгиланадиган товарлар рўйхати”дан тез тайёрланадиган лапша маҳсулотини *(ТИФ ТН коди – 1902 30 бўлган)* чиқариш бўйича ушбу ҳужжатга ўзгартириш киритиш ҳамда тез тайёрланадиган лапша маҳсулотини импорти учун акциз солиғини жорий қилиш таклиф этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ
REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining rasmiy sayti – URL: https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/34339-o-zbekistonda-2022-yilning-dekabr-oyida-1-490-4-tonna-makaron-ishlab-chiqarildi

2. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo‘mitasidan olingan ma’lumotlar asosida muallif ishlanmasi.

3. Xalqaro savdo makazining rasmiy sayti - www.trademap.org

4. The composition of the beef-flavored doshirak. Does "Doshirak" harm the figure? Calorie content of the finished dish and its effect on health .// article // - – URL: https://espressomio.ru/en/american-kitchen/sostav-doshirak-so-vkusom-govyadiny-vredit-li-figure-doshirak/
5. Hindiston rasmiy sayti - – URL: https://cbic.gov.in/resources//htdocs-cbec/customs/cst2023-010523/Customs%20Tariff%20(Chap-1%20to%2098)%20on%2001-05-2023.pdf
6. Pokiston rasmiy sayti - – URL: https://download1.fbr.gov.pk/Docs/20231117151131245 11PAKISTAN CUSTOMSTARIFF-2023-24.pdf
7. Kenya davlatining rasmiy sayti - URL: https://www.kra.go.ke/images/publications/Excise-Duty-Act-2015-Revised-2021.pdf
8. Uzum onlayn savdo platformasi - URL: https://uzum.uz/ru/product/lapsha-rollton-so-223289
9. Sarvarovich, S. S. (2023). APPLICATION OF TARIFF PREFERENCES IN DEVELOPED COUNTRIES THAT ARE MEMBERS OF THE WORLD TRADE ORGANIZATION. World Economics and Finance Bulletin, 22, 180-187.
10. Jamolov, O. (2023). FACTORS ENSURING THE ACTIVITY OF ENTREPRENEURIAL ACTIVITIES. Экономика и социум, (2 (105)), 131-134.
11. Dilshod To'ychi o'g, K., Abdujalil o'g'li, Y. F., & Abdujalil o'g'li, A. B. (2023). Analysis of the Current State of the Bank Risk Management System. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 4(1), 60-64.
12. Norqo‘ziyev, Q., Aynakulov, T., Mahkamov, S., & Sodiqov, D. (2024). IMPLEMENTING MOBILE ROBOT WALKING PATH CONTROL AND TRACKING IN C# WINDOWS FORM APPLICATION. International Journal of scientific and Applied Research, 1(3), 95-99.